

ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИДА “АВЕСТО” ФАЛСАФАСИНИНГ ЎРНИ: ҚАДИМИЙ МЕРОСНИНГ ЗАМОНАВИЙ ДИПЛОМАТИК ИНТЕРПРЕТАЦИЯСИ

Отабек Қудратович АЛИМАРДОНОВ

доцент

тарих фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

e-mail: alexkhanfrank@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада “Авесто”нинг фалсафий ва маънавий мазмуни халқ дипломатиясининг тарихий манбаи сифатида ҳар томонлама таҳлил этилади. Қадимги зардуштийлик таълимотига асосланган “эзгу сўз, эзгу амал, эзгу ният” тамойиллари халқлар ўртасидаги маданий мулоқот, бағрикенглик ва тинчлик ҳолатларини шакллантиришдаги роли ёритилади.

Таянч сўзлар: “Авесто”, халқ дипломатияси, зардуштийлик, маданий мулоқот, фалсафа, бағрикенглик, эзгу ният, Наврўз, “юмшоқ куч”, Марказий Осиё.

РОЛЬ ФИЛОСОФИИ “АВЕСТО” В НАРОДНОЙ ДИПЛОМАТИИ: СОВРЕМЕННАЯ ДИПЛОМАТИЧЕСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ДРЕВНЕГО НАСЛЕДИЯ

Отабек Қудратович АЛИМАРДОНОВ

Доцент

Доктор философии (PhD) по историческим наукам

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

e-mail: alexkhanfrank@gmail.com

Аннотация

В данной статье всесторонне анализируется философское и духовное содержание «Авесты» как исторического источника народной дипломатии. Освещается роль принципов зороастрийского учения «благая мысль, благое слово, благое дело» в формировании идей культурного диалога, толерантности и мира между народами.

Ключевые слова: “Авесто”, народная дипломатия, зороастризм, культурный диалог, философия, толерантность, благая мысль, Навруз, мягкая сила, Центральная Азия.

Халқаро муносабатлар тизимида ахборот коммуникациялари, цивилизация мулоқот ва миллий имиджни шакллантиришда халқ дипломатиясининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда давлатлар фақат расмий каналлар орқали эмас, балки маданият, тарихий хотира ва

маънавий мерос орқали ҳам дунё ҳамжамиятида ўз позицияларини мустаҳкамламоқда. Жаҳон сиёсий муносабатлари тизимида сўнгги ўн йилликларда “халқ дипломатияси” тушунчаси алоҳида аҳамият касб эта бошлади. Миллатлар ва маданиятлар ўртасидаги ўзаро ишонч, мулоқот ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда маданий ва маънавий кадриятлар орқали амалга ошириладиган дипломатик муносабатлар глобал аҳамият касб этмоқда.

Бу жараёнда халқ дипломатиясининг тарихий илдизларини ўрганиш ва қайта баҳолаш илмий ва амалий жиҳатдан муҳим вазифалардан биридир.

Халқ дипломатияси тушунчаси, кўпинча замонавий геосиёсий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда ўрганилса-да, унинг фалсафий ва маънавий илдизлари антик давр манбаларида мавжуд. Шу нуқтаи назардан, қадимги зардуштийлик фалсафаси ва унинг марказий манбаи ҳисобланган “Авесто” халқ дипломатиясининг фалсафий-тарихий пойдеворини ташкил этувчи муқаддас манба сифатида ўрганилиши лозим. Авесто зардуштийлик динининг нафақат муқаддас матни, балки Марказий Осиё халқлари ўртасида тинчлик ва дўстлик ғояларини илгари сурган инсонпарварлик ва мулоқот маданиятининг дастлабки манбаи сифатида алоҳида ўрганишни талаб этади.

“Авесто”да акс этган эзгулик, адолат, бағрикенглик, меҳмондўстлик ва тинчлик ғоялари халқлар ўртасидаги муносабатларни барқарор ва соғлом асосларда қуришда муҳим аҳамият касб этган.

Ушбу матнда Авестонинг мазмун ва моҳияти халқ дипломатияси назарияси нуқтаи назаридан қайта таҳлил этилиб, унинг замонавий дипломатик контекстдаги интерпретацияси, айниқса, “Авесто” фалсафаси билан уйғун Наврўз байрамининг халқаро миқёсдаги таъсири мисолида маданий дипломатиянинг амалдаги кўринишлари ёритилади. Мақола доирасида тарихий таҳлил, манбаларга оид асослар ва замонавий тадқиқотлар уйғунлаштирилган ҳолда, қадимий мероснинг халқаро дипломатиядаги ролини очиб беришга ҳаракат қилинган.

Халқ дипломатияси – маданият ва анъаналарни яхшироқ тушунишга доир муносабатларни йўлга қўйиш, манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга интилаётган халқлар ва ташкилотларнинг беғараз мулоқот майдони. Халқ дипломатиясида сиёсий шахслар эмас, балки ижодкорлар, илм-фан намояндалари, ишбилармон доиралар вакиллари, ёшлар, хуллас оддий халқ вакиллари иштирок этади. Улар халқаро миқёсдаги турли форумлар, симпозиумлар, анжуманлар, ҳатто низоларни ҳал этиш бўйича музокараларда ҳам давлат номидан воситачи сифатида қатнашиши мумкин.

Ўзбекистон учун халқ дипломатияси чуқур тарихий ва ижтимоий-маданий, сиёсий асосларга эга. Миллатлараро, маданиятлараро, конфессиялараро ва тиллараро бағрикенглик ўзбек этноси учун хос фазилатлардан ҳисобланади. Ўзбек халқи тарихан Буюк Ипак йўли чорраҳасида турли маданият, тил ва диний қарашларга эга халқлар билан ўзаро цивилизациялашган алоқада шаклланган.

Халқ дипломатияси тарихнинг барча даврларида тўхтовсиз ривож топиб борган ва бу факт унинг ижтимоий тараққиёт ва жаҳон сиёсатидаги аҳамиятини янада ортишини англатади.

Халқ дипломатиясининг замонавий сиёсий жараёнлардаги ўрни масаласига тўхталганда, энг аввало унинг эволюцион ривожланиш босқичларига тўхталиб ўтиш жоиз.

Халқ дипломатиясининг келиб чиқиши ва сиёсий доираларда қўлланилиши турли даврларда жамият ва халқаро муносабатларнинг улар олдида қўйган масалаларга боғлиқлигида кўриш мумкин. “Халқ дипломатияси” сиёсий, дипломатик ва илмий мунозараларга киришишнинг узок тарихига эга. Шу жиҳатдан халқ дипломатияси тушунчасининг вужудга келиши ва халқаро муносабатларнинг тўлақонли субъектига айланиш жараёнини 5 та даврга бўлиб ўрганиш мумкин [8; 55].

Маълумки, миллий давлатчилигимиз неча минг йиллик қадимий тарих ва бой маданиятга эга. Бинобарин, дипломатик муносабатлар ҳам тарихимизнинг энг чуқур қатламларига бориб тақалади.

Бу ҳақиқат нафақат мамлакатимиз, балки дунё олимлари томонидан кенг эътироф этилган. Бизнинг аجدодларимиз орасидан машҳур ва моҳир дипломатлар, элчилар етишиб чиққани ҳақида кўплаб тарихий маълумотлар мавжуд.

Ўзбекистон халқ дипломатияси тарихи ҳақида академик А.Асқаровнинг мулоҳазалари айниқса диққатга сазовордир. Олим Ўзбекистон ҳудудидаги халқ дипломатиясининг илдизлари қадимги бронза даври Сополлитепа ва Жарқўтон манзилгоҳларидаги қазилма ишлари натижасида топилган археологик манбалар орқали таҳлил қилиб берган [4]. Хусусан, Жанубий Ўзбекистонда шаклланган Сополлитепа манзилгоҳида яшаган аҳоли бронза давридаёқ қўшни халқлар билан бевосита яқиндан ҳамкорлик алоқаларини олиб борган.

Шарқшунос олим М.Исҳоқовнинг халқ дипломатиясининг ривожланишида Буюк Ипак йўлининг аҳамияти ҳақидаги фикрлари Марказий Осиё минтақасида халқ дипломатиясининг чуқур тарихий илдизлари мавжудлигини яна бир бор исботлайди [6]. Олимнинг фикрича “Халқ дипломатиясининг тарихий аҳамиятини Буюк Ипак йўли шаклланишидан олдинги даврлардан бошлаб ўрганган маъқул. Сабаби, Буюк Ипак йўли мил. авв. II–I асрларда шаклланган йўл сифатида барчага маълум. Лекин, халқлараро муносабатлар қадимги тош даврларига бориб тақалади”.

Дунёдаги дипломатияга оид энг зўр китоблар ҳам аслида Шарқда, жумладан, бизнинг заминимизда яратилган десак, адашмаган бўламиз [1]. Тарихимизда халқ дипломатиясига оид махсус манба мавжуд эмас. Бироқ кўпчилик асарларда дипломатик муносабатлар, элчилик алоқалари ва одоблари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Шу боис Ўзбекистон халқ дипломатиясига оид манба ва адабиётларни ўқиб йўналиш бўйича таҳлил қилиш мумкин. Булар: тарихий манбалар, илмий-таҳлилий адабиётлар ва замонавий институтлар/ташкилотларнинг халқ дипломатиясига оид архив ҳужжатлари. Қуйидаги жадвалда Ўзбекистон халқ дипломатиясига оид бирламчи манбалар келтирилган.

Ўзбекистон халқ дипломатиясининг тарихига оид топ 12 та манба

№	Манба номи	Муаллиф	Даври	Халқ дипломатиясига оид мазмун
1.	Авесто	Зардушт (тийлик) мактаби	мил. авв. I минг й.	Эзгу сўз, амал ва ният орқали тинчликни сақлаш, халқлар ўртасида адолатли муносабатлар.
2.	Фозил одамлар шаҳри	Абу Наср Форобий	X аср	Идеал раҳбар, тинчликка асосланган халқаро муносабат, ахлоқий дипломатия.
3.	Қутадғу билиг	Юсуф Хос Ҳожиб	XI аср	Элчи ким бўлиши керак, қандай ахлоқда бўлиши лозимлиги, халқ билан мулоқот маданияти.
4.	Девони луғатит турк	Маҳмуд Қошғарий	XI аср	“Элчи”, “ялавач” сўзларининг маъноси, халқлараро муомала маданияти ва унинг туркийча ифодаси.
5.	Сиёсатнома	Низомулмулк	XI аср	Элчи танлаш, қўшнилар билан тинч яшаш сиёсатини ўргатувчи дастур.
6.	Қобуснома	Қобус ибн Вушмгир	XI аср	Элчи одоби, хат ёзиш маданияти, шахсий дипломатик ахлоқ мактаби.
7.	Ҳиндистон (“Таҳқиқ ма ли- л-Ҳинд”)	Абу Райҳон Беруний	XI аср	Илм-фан асосида маданиятлар мулоқоти, ҳинд халқини англаш ва тушунишга уриниш. Илмий халқ дипломатиясининг намунаси.
8.	Темур тузуклари	Амир Темур	XIV аср	Дипломатик юришлар, элчилар юбориш, маданий алмашинуви халқ ва давлат манфаатларига йўналтириш.
9.	Насойим ул- мухаббат	Алишер Навоий	XV аср	Турли халқларнинг буюк тасаввуф пешволари ҳақида. Маданиятлараро хурмат ва севги ғояси.
10	Бобурнома	Захириддин Бобур	XVI аср	Ҳиндистон ва Туркистон ўртасида халқларнинг маданий алоқа ва шахсий дипломатик муносабатлари.
11.	Тарихи Рашидий	М.Ҳ. Дўст	XVI аср	Уйғурлар, қирғизлар ва бошқа халқлар билан ўзаро дипломатик ҳамкорлик ва элчилик алмашинуви.
12.	Сафарнома	Носир Хусрав / Фозилхон	XVIII- XIX аср	Эрон–Бухоро элчиликлари, халқ қабули, хат билан муомала анъаналари.

Авесто – зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлиб, унда қадимги Эрон ва Марказий Осиё халқларининг диний, ахлоқий, фалсафий ва маданий қарашлари мужассамлашган. Ушбу асар нафақат диний матн, балки халқлар ўртасида ўзаро тушуниш, маданий мулоқот ва тинчлик ғояларини тарғиб этувчи омил сифатида ҳам хизмат қилган. Шу жиҳатдан, Авестони халқ дипломатиясининг илдизлари сифатида таҳлил қилиш мумкин.

“Авесто” милоддан аввалги VII–VI асрларда Марказий Осиё худудида, Хоразм воҳасида яратилган ва “Авесто”, яъни “Ҳаёт йўриқномаси” деб номланган китоб; зардуштийлик динини шакллантиришга асос бўлган назарий манбаларнинг умумий номи ва бу диннинг асосий китоби. Олис ота-боболаримизнинг ақл-заковати, қалб кўри маҳсули бўлмиш бу ноёб ёдгорликнинг замон тўфонларидан, қанча-қанча оғир синовлардан ўтиб, бизнинг давримизгача етиб келганининг ўзи бугун биз яшаб турган кўҳна ўлкада қадимдан буюк маданият мавжуд бўлганидан гувоҳлик беради. Унда маънавий юксакликка даъват этиш, одамлар ўртасида меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлашга оид фикрлар, эзгу ғоялар ўз ифодасини топган.

“Авесто” Марказий Осиё халқларининг қадимги даврлардаги моддий ва маънавий ҳаёти, диний қарашлари, олам ва одам тўғрисидаги тасаввур, урф-одат ва қадриятлари ҳақида маълумот беради. Асарда милоддан аввалги XIII асрдан милоднинг IV асригача бўлган даврдаги тарихий воқеалар акс этган [3].

“Авесто”ни Марказий Осиё давлатчилиги ва элчилик маданиятининг илк рухий-ахлоқий асослари сифатида кўрсатиш мумкин. “Авесто” халқлар ўртасидаги тинчлик ғояси тараннум этилган илк ёзма манбалардан биридир. Зардуштийлик асосларига бағишланган бу муқаддас манбада “эзгу сўз”, “эзгу амал” ва “эзгу ният” ғоялари илгари сурилади. Тинчлик, эрк, тенглик, ватанпарварлик каби қадриятлар халқлараро муносабатдаги маънавий асос сифатида тақдим этилади.

“Авесто”нинг қиймати шундаки, унда оламнинг яратилиши ибтидоий уруғ, қабила, элатларнинг халқ, сўнгра алоҳида-алоҳида миллат бўлиб шаклланиши, эзгулик учун ёвузликка қарши кураши, озодлик, эркинлик, бунёдкорлик, ижодкорлик йўлларидаги идеаллари оддий тарзда содда ибораларда, мифология ва дин қобикларида ўз ифодасини топган. Зардушт таълимотида, “Авесто”да илгари сурилган эзгу фикр, эзгу калом ва эзгу амал ҳанузгача инсониятни эзгуликка чорлаб, одамларни ахлоқий жиҳатдан поклаб, маънавий бойитиб келмокда. Зардуштийликда эзгулик ва

ёвузликнинг қуйи босқичлари – яхшилик ва ёмонлик ҳақида талайгина пурҳикмат фикрлар баён этилган [7; 15]. Зардуштийлик инсоннинг ҳаётга муҳаббат билан карашга ундайди, одамларни бир-бирига дўст-биродар бўлишга чақиради. Авестода яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам ўз эгаларига қайтиши таъкидланган. Чунончи уларнинг бирида “Ўзгаларни яхшиликка олиб борган кишиларгагина яхшилик насиб этади” дейилган.

“Авесто” асарида Хоразм, Бақтрия ва Сўғд тупроғида пайдо бўлган. «Авесто»нинг энг қадимги географик номлари Ўрта Осиё ва унга чегарадош вилоятлари билан боғланади. «Авесто» китоблари қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади: қадимги географик тушунчалар, ҳудудий, этник, қабилалар ва вилоятлар номлари, қадимги ва сиёсий тузум, зардуштийларнинг фалсафаси, дунё тарихининг ривожланиши ҳақида маълумотлар.

“Авесто” фалсафасининг замонавий халқ дипломатисидаги ўрнининг тўрт муҳим жиҳатини келтириб ўтиш мумкин.

Биринчидан, Авесто тинчлик ва яхшиликка чақирувчи ғоялар билан суғорилган. Ундаги умуминсоний ғоялар асрлар давомида халқлар ўртасида мулоқот пойдевори бўлиб хизмат қилган. Унда “Аша” – адолат, ҳақиқат ва эзгулик каби тушунчалар марказий ўрин эгаллайди. Бу каби универсал қадриятлар турли халқлар ва маданиятлар ўртасида умуминсоний мулоқотни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Натижада, турли дин, маданият ва миллат вакиллари ўртасида инсонпарварлик, бағрикенглик ва тинчликсеварлик асосида мулоқотни таъминлашга эришилган. Масалан: Эрон ва Марказий Осиё муносабатлари тарихида, Авестодаги умуминсоний қадриятлар сиёсий ва маданий алоқаларда тилга олинган. Зардуштийликни қабул қилган халқлар, жумладан, қадимги Бақтрия ва Сўғдиёнада яшаган халқлар ўртасида бу умумий қадриятлар элчиларнинг музокара жараёнларида қўлланган. Буни археологик топилмалар ва Авестонинг мазмунан таҳлиллари тасдиқлайди.

“Авесто”да “Аша” – тартиб, имон ва адолат тимсоли. Унга эзгу ният (эзгу фикр), эзгу сўз, эзгу амаллар билангина эришиш мумкин. Зардуштийлик

таълимоти, биринчи навбатда, бағрикенглик ғоялари билан узвий боғланган бўлиб, унда инсон учун алоҳида муҳим ўрин ажратилган. Мазкур таълимот одамзотнинг ер юзида фаровон яшашига, инсон манфаатларига алоҳида аҳамият беради ҳамда инсоний ҳаёт тамойилларига чуқур эҳтиром кўрсатади.

Зардуштийлик фалсафаси бўйича, эзгулик ва ёвузликнинг курашида инсонга алоҳида ўрин ва имкониятлар яратилади. Инсонда эзгу ният ҳамда фикр-хаёллари инсоний бўлиши керак, у ҳаётни бузиш, вайрон этиш эмас, балки одамлар ўртасида бағрикенгликка доир яхши муносабат, эҳтиром ўрнатиш, бунёдкорлик ва борлиқни гўзаллаштириш ҳамда борлиқдаги ҳаётни мукаммаллаштиришга қаратилган амаллар билан машғул бўлмоғи лозим.

Одамлар бир-бирларига мададкор бўлиши керак. Зардуштийлар жамоа аъзоларининг ўзаро муносабатлари кундалик ҳаётидаги хулқи учун жавобгарлигини ҳис қилганлар. Уларни мақсадли, умумий ҳаётий муаммолар ва вазифалар оғир дақиқаларда бирлаштирган, эртанги кунининг фаровон бўлишига умид бағишлаган. “Авесто” юксак ахлоқ, инсонпарварлик, покиза виждон, марҳаматлик, инсонга ва она заминга нисбатан доимий ғамхўрликни тарғиб этади. Бугунги кунда ҳам “Авесто” фалсафаси долзарбдир. У инсониятнинг ёруғ келажагига, адолат тантанасига ишонч ва умид бағишлайди [10; 18–19].

Иккинчидан, Авесто маданий алоқалар ва мулоқотнинг асрлар давомида сақланиб қолишида воситачи бўлган. Авесто аввало, қадимги форсий тилида ёзилган бўлиб, у Эрон ва Марказий Осиё халқларининг ўзаро тилшунослик ва адабий алоқалари учун асос бўлган. Бу тил ва услубнинг ўхшашлиги минтақадаги халқлар ўртасида маданий яқинлик ва тил маданиятини шакллантирган. Бу эса замонавий тил билан айтганда, маданий дипломатияга, яъни тил ва маънавий умумийлик воситаси бўлиб хизмат қилади. Зардуштийлик дини ва унинг таълимотлари Афғонистон, Эрон, Туркманистон ва Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудларига тарқалиши билан бирга, бу халқлар ўртасида умумий ахлоқий ва маънавий негизни юзага келтирган. Бу эса халқлар ўртасида ишонч ва ўзаро ҳурматни кучайтирган.

Масалан, Самарқанд ва Панжикентда топилган эпиграфик ёзувлар зардуштий анъаналар билан боғлиқ бўлиб, уларда Авестонинг баъзи урф-одатлари амалда қўллангани қайд этилган. Буюк Ипак йўли орқали Авесто маданияти Шарқ ва Ғарбни боғловчи элемент сифатида ҳаракат қилган, урф-одатлар, этик меъёрлар қарвонлар ва тижоратчилар орқали тарқалган.

1-диаграмма

Авесто – халқ дипломатияси тарихий илдизи (манбаси) сифатида



У орқали тарқалган ахлоқий нормалар ва анъаналар ҳозирги даврда ҳам дипломатик мулоқотларда таъсирини сақлаб қолган. Масалан, меҳмондўстлик, ростгўйлик, тинчликсеварлик каби қадриятлар кўпгина минтақавий дипломатия шаклларида, жумладан, халқ дипломатиясида ҳам асосий мезонлардан бири сифатида намоён бўлади. Масалан, Зардуштий руҳонийлар тинимсиз саёҳатларда бўлиб, ўз таълимотларини турли ҳудудларга тарқатганлар. Улар фақат диний эмас, балки маданий мулоқотнинг ҳам ташувчилари бўлишган. Ҳозирги кунда ҳам Эрон ёки Ҳиндистондаги порс (зардуштий) жамоалар Наврўз, Тирган ва Сада каби

байрамлар орқали бошқа миллатлар билан маданий алоқа ўрнатишда “Авесто”нинг ғояларидан фойдаланишади.

“Авесто” битиклари қадимги юнонлар, римликлар, яҳудийлар, сурияликлар ва бошқа халқлар томонидан чуқур ўрганилиб, ундаги энг қимматли билимлар, фикр ва ғоялар, амалий тажрибалар ўзлаштириб олинган. Айниқса, “Авесто” юнон фалсафасига ҳал қилувчи таъсир ўтказган. “Авесто” бўйича асрлар давомида дунёнинг кўпгина мамлакатларида чуқур илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган ва бу ишлар бугунги кунга қадар давом этмоқда.

Тўртинчидан, Авесто ва замонавий дипломатия ўртасидаги ўхшашликлар талайгина. Унинг турли халқлар ўртасида бирлик, ҳамкорлик ва эзгулик ғояларини тарғиб қилиши, ҳозирги замон халқ дипломатияси тушунчасига жуда яқин. Халқ дипломатиясида миллатлар ўртасида ишонч, ҳурмат ва маданий мулоқот муҳим ўрин тутди. Авесто ҳам худди шу ғояларни илгари сурган. Бугунги кунда Ўзбекистон, Тожикистон, Эрон ва Афғонистон сингари давлатлар Авесто меросини маданий дипломатия воситаси сифатида фаол қўллашмоқда.

Қуйидаги жадвалда Авестонинг халқ дипломатиясига оид хусусиятлари тизимли равишда, анъанавий ва замонавий дипломатия мезонлари билан солиштирган ҳолда тақдим этилган.

2-жадвал

№	Авестодаги асосий ғоя	Халқ дипломатиясидаги аҳамияти	Тарихий мисол	Замонавий тадбиқи
1	Аша (адолат, ҳақиқат, эзгулик)	Миллатлар ўртасида ишонч, тинчликни мустаҳкамлаш	Зардуштий мобедларнинг Марказий Осиёдаги фаолияти	ЮНЕСКО томонидан Наврўзни умуминсоний мерос сифатида тан олиниши
2	Меҳмондўстлик ва бағрикенглик	Маданий мулоқот ва яхши қўшничилик асоси	Панжикентдаги зиёрат ва меҳмонхона маданияти	Ўзбекистон элчихоналарида ва ватандошлар жамоаларида Наврўз тадбирлари орқали диаспорани жипслаштириш
3	Универсал	Турли маданиятлар	Бактрия, Сўғдиёна	Тожикистоннинг

	ахлоқий нормалар (ростгўйлик, поклик, фидокорлик)	ўртасида умумий кадриятларни яратиш	ва Парфия халқлари ўртасида умумий дунёқараш	Авесто ва зардуштийликни миллий бренд сифатида дипломатик ташвиқотда қўллаши
4	Авесто тили ва адабий услуби	Тил ва маданият орқали халқлар ўртасида мулоқот	Қадимги Эрон–Марказий Осиё ёзма ёдгорликлари	Эрон, Афғонистон ва Тожикистон ўртасида лингвистик дипломатия
5	Табиат ва инсон уйғунлиги (Наврўз)	Экологик ва маданий дипломатиянинг асоси	Наврўз байрамида табиат ва инсон муносабатларини тараннум этиш	Наврўзни халқаро маданий мулоқот воситаси сифатида жорий этиш (ШХТ, ЭКО ва ЮНЕСКО доирасида)

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, Авесто бу фақатгина диний ёдгорлик эмас, балки халқ дипломатиясининг маданий, ахлоқий ва фалсафий асосларини ўз ичига олган қомусий манба ҳисобланади. Унинг ғоялари тарихий жараёнларда ҳам, бугунги замонавий дипломатик муносабатларда ҳам самарали қўлланилмоқда. Шу боис, Авестони халқ дипломатиясининг илдиз манбалари қаторида ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Инсон қалбини, халқ қалбини аввало унинг маданияти, адабиёти ва санъатига, миллий кадриятларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш орқали забт этиш мумкин [2]. Шу боис, “Авесто” билан боғлиқ равишда Наврўз айёми қарийб уч минг йилдирки, Марказий ва Жанубий Осиё, Кавказ, Яқин Шарқ ва Болқон минтақаси, Қора денгиз ҳавзаси халқларида кенг нишонланиб келмоқда.

Бугунги кунда, Наврўз 500 миллиондан ортиқ аҳолини қамраб олган Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон, Эрон, Афғонистон, Туркия каби давлатларда, шунингдек, Россиянинг Бошқирдистон, Доғистон ва Татаристон ҳудудларида кенг миқёсида нишонлаб келинмоқда. Бундан ташқари, Албания, Македония, Босния ва Герцеговина, Грузия Ҳиндистон ва Покистон, Хитойнинг бир қисмида ҳам ушбу кунни байрам сифатида нишонлаш анъана тусини олган.

Бу байрам нафақат инсонлар, оилалар ва жамият учун, балки элу элатлар ва халқлар ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик, тинчлик ва

аҳиллик ғояларини улуғлаб, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаши билан ҳам ғоятда аҳамиятлидир [11].

Бу барҳаёт ва ўлмас мезонлар жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб эътироф этилмоқда. Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция (2003 йил) талабларига мувофиқ, Наврўз кўплаб халқларнинг маданий ранг-баранглиги ва анъаналарини ўзида акс эттирган улуғ қадрият сифатида 2009 йил 30 сентябрда ЮНЕСКО томонидан Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилди.

Бундан ташқари, ташаббускор давлатлар томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 64-сессиясида “Наврўз халқаро куни”ни нишонлаш бўйича таклиф киритилди. 2010 йил 23 февралда Бош Ассамблея 21 мартни “Наврўз халқаро куни” сифатида тан олди.

Бош Ассамблея манфаатдор аъзо давлатлар, БМТнинг ихтисослашган тузилмалари ва жамғармалари, дастурлари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, нодавлат муассасаларига Наврўзни нишонлайдиган давлатлар тадбирида муносиб иштирок этишга тавсия берди. Шу билан бирга, аъзо давлатлар ҳудудларида Наврўз ҳақида аҳоли хабардорлиги даражасини ошириш, бу байрам кунларида тантана ва тадбирлар ташкил этиш бўйича таклифлар билдирилган.

Бу байрамнинг халқаро миқёсда тан олинishi ва уни кенг тарғиб этилиши нафақат “Наврўз”нинг жаҳон миқёсидаги нуфузини оширди, балки уни маданий дипломатиянинг муҳим воситага ҳам айлантирди. Масалан, шундай тадбирлардан бири Пекинда ШХТ қароргоҳида ташкил этилди. “Наврўз–2025: анъаналар уйғунлиги ва барқарор тараққиёт” шиори остида ўтган тадбирда Хитойдаги ШХТга аъзо давлатлар дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари, вазирлик ва идоралар, ижтимоий-сиёсий, илмий-академик доиралар вакиллари иштирок этди [9].

Наврўз эзгулик ғалабаси, халқнинг унумли йилдан умиди, фаровонлик ва тинч ҳаёт тимсоли бўлиб, у “Шанхай руҳи”га, энг аввало, бу тушунчанинг

тенглик, ўзаро ишонч, маданиятлар ва цивилизациялар хилма-хиллигини ҳурмат қилиш каби тамойилларига ҳамоҳангдир.

Наврўз, айниқса, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имижини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи омил сифатида аҳамиятлидир. У мамлакатнинг халқ дипломатияси соҳасидаги салоҳиятини намоён этади. Наврўз каби маданий анъаналар “юмшоқ куч” стратегияларида ҳал қилувчи ўрин тутиб, халқаро алоқаларни мустаҳкамлашда самарали механизмга айланмоқда.

Наврўз Ўзбекистоннинг халқ дипломатиясидаги восита сифатида миллий қадриятлар, тарихий мерос ва ташқи сиёсий ташаббусларни тарғиб этишда улкан салоҳиятга эга эканини намоён этади. Шу жиҳатдан, Наврўзнинг салоҳиятини Ўзбекистоннинг халқаро позициясини белгилаш стратегияси доирасида таҳлил қилиш долзарб аҳамият касб этади.

Миллий байрамларни жаҳон кун тартибига интеграция қилиш минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва халқаро ҳамжамият эътиборини жалб этишга хизмат қилади [13]. Шу нуқтаи назардан, Наврўзни халқ дипломатиясининг воситаси сифатида халқаро майдонда илгари суришнинг дипломатик, иқтисодий ва инсонпарвар механизмлари сифатида ўрганиш муҳимдир.

Наврўз Ўзбекистоннинг хориждаги ўзбек диаспораси билан маданий алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди. Дунё бўйлаб жойлашган ўзбекистонлик диаспора жамоалари ҳар йили маҳаллий аҳоли билан биргаликда маданий тадбирлар ўтказадилар. Ушбу байрам тадбирлари орқали миллий бирлик ва умуммиллий ҳамжиҳатлик руҳи мустаҳкамланади.

Мазкур жадвалда Наврўз байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамияти қўмитаси томонидан 2019–2025 йилларда ўтказилган тадбирлар келтириб ўтилган. Уларда хорижда истиқомат қилаётган мингдан ортиқ ватандошларимиз ҳам иштирок этгани “Наврўз” феноменининг қанчалик муҳим эканлигини кўрсатади.

Тадбир номи		Қачон ва каерда ўтказилган	Мазмуни
1.	“Ўзбекистон ва Финляндия ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашда халқ дипломатиясининг роли”.	2019 йил 18–25 март Латвия, Эстония ва Финляндия	Рига марказий бозорида “Ўзбек ховлиси” нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Болтикбойи мамлакатларида яшовчи 500 дан ортиқ ватандошлар, Латвиянинг ишбилармон доиралари, жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Уларга Ўзбекистоннинг иқтисодиёт ва туризм соҳасини ривожлантиришга ҳамда инвестицияларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратаётгани ҳақида маълумот берилди.
2.	“Ўзбекистон ва Мўғулистон ўртасида дўстлик алоқаларини ривожлантиришда халқ дипломатиясининг ўрни” мавзусида давра суҳбати.	2019 йил 20–25 март Мўғулистон. Улан – Батор шаҳри	100 дан ортиқ иштирокчиларга Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти тақдимот қилинди, чорвачилик соҳасида ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама қилинди.
3.	Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида халқ дипломатияси ҳамда Ўзбекистоннинг туризм ва сармоявий салоҳиятига бағишланган давра суҳбати [5].	2019 йил 20–29 март АҚШ. Чикаго, Нью-Йорк, Атланта	АҚШдаги 1000 дан ортиқ ватандошлар иштирок этди. Ўзбекистоннинг иқтисодиёт ва туризм соҳасини ривожлантиришга ҳамда инвестицияларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратаётгани ҳақида маълумот берилди.
4.	“Наврўз-дўстлик байрами” мавзусидаги онлайн (пандемия сабабли) бадий давра суҳбати [12].	2021 йил 26 март Ўзбекистон Миллий кутубхонаси	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, “Ўзбекистон–АҚШ” дўстлик жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилган.
5.	Маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, таълим ва ёшлар алмашинуви, “халқ дипломатияси” ни ривожлантириш ва хорижда яшаётган ватандошларни қўллаб-қувватлаш ҳамда жамоатчилик муносабатларини яхшилаш мақсадида	2025 йил 3–11 апрель АҚШ. Охайо ва Филадельфия штатлари; Нью-Джерси, Нью-Йорк шаҳарлари	Наврўз байрамига бағишланган бир қатор тадбирларда иштирок этилди. Туркистон–Америка ассоциацияси (Нью-Джерси), Махалла-USA ташкилоти (Нью-Йорк), Охайо ва Филадельфия штатларидаги ватандошлар жамиятлари билан яқиндан алоқа ўрнатилди. Нью-Джерсига ташриф давомида Гарвард, Сиракуза, Цинциннати университетларида таълим бераётган ҳамда илмий-тадқиқотлар олиб

	Ўзбекистон делегацияси Америка Қўшма Штатларига ташриф буюрди [12].		бораётган ўзбек олимлари билан учрашув ташкил этилди. Масалан, Нилуфар Қаххорова Гарвард университетида ўзбек тили фанидан дарс олиб боради ва шу билан бирга ўзи тиббиёт соҳаси вакили сифатида онкологик касалликка қарши дори воситаларини яратиш бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда.
--	---	--	---

Авесто нафақат диний ёки адабий манба, балки халқлар ўртасида ўзаро ишонч ва мулоқотни мустаҳкамлашга хизмат қилган тарихий-дипломатик ҳужжатдир. Унинг мазмунидаги тинчлик, бағрикенглик, меҳмондўстлик ва адолат каби ғоялар бугунги халқ дипломатияси назарияси ва амалиёти учун ҳам муҳим илдиз ва асос ҳисобланади. Унинг ғоялари бугунги замонавий халқ дипломатиясида ҳам долзарблигини йўқотмаган. Демак, Авесто халқ дипломатиясининг қадимий, бироқ доимий манбаи сифатида ўрганилиши зарур.

Наврўз байрами эса нафақат минтақавий ҳамкорлик, балки қардошлик, яхши қўшничилик ва ўзаро бирдамлик руҳини мустаҳкамлайди, балки дунё элларини фаровон ҳаёт, умумий манфаатлар йўлида жипсликка чорлайди.

Шу боис, Наврўзни нафақат миллий байрам сифатида, балки дипломатиянинг муҳим воситаси, миллий ўзликни сақлаш усули ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлаш механизми сифатида ҳам кўриб чиқиш зарур. Ушбу жиҳатларга устувор аҳамият бериш ва уларнинг тўлиқ салоҳиятидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Авесто фалсафаси асосида халқаро халқ дипломатияси концепциясини ривожлантириш – унинг универсал ғояларини ташқи сиёсатда ва «юмшоқ куч» стратегияларида кенг қўллаш керак.

Наврўзни маданий дипломатиянинг институционал асоси сифатида мустаҳкамлаш – ЮНЕСКО ва БМТ доирасида доимий форум ва мулоқотлар майдонига айлантириш зарур.

Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида “Наврўз дипломатияси” мавзусида конференция, тадқиқот марказлари ва қўшма илмий дастурлар орқали. илмий ҳамкорлик платформасини яратиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистоннинг халқаро имижини шакллантиришда Авесто ва Наврўз сингари манбалардан стратегик фойдаланиш – дипломатик тадбирларда, туризм ва инвестиция форумларида ушбу меросни тарғиб қилиш давр тақозосидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолиятига бағишланган йиғилишдаги нутқи. 2018 йил 12 январь // <https://president.uz/uz/lists/view/1423>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолиятига бағишланган йиғилишдаги нутқи. 2018 йил 12 январь // <https://president.uz/uz/lists/view/1423>
3. “Авесто” <https://oyina.uz/kiril/teahause/1194>
4. Асқаров А. Маданий-гуманитар алоқаларнинг ривожланишида халқ дипломатиясининг роли: мавзусидаги давра суҳбати. МТРК жорий архивидан. 2020 йил 10 февраль.
5. Алмардонов О. Она ватан билан узилмас ришталар //Ўзбекистон, 2019. – №2. – Б.52.
6. Исоҳқов М. Маданий-гуманитар алоқаларнинг ривожланишида халқ дипломатиясининг роли: мавзусидаги давра суҳбати. МТРК жорий архивидан. 2020 йил 10 февраль.
7. Нурматова М. Шарқ ахлоқий тафаккур тараққиёти босқичлари: услубий қўлланма. – Тошкент, 2008.
8. Собиров Қ. ва бошқалар. Юракдан юракка интилувчи дипломатия //“Art Vernisage”, 2022.
9. Сатторова Г. ШХТ Котибиятида байрам тадбири бўлиб ўтди / https://uza.uz/uz/posts/shht-kotibiyatida-bayram-tadbiri-bolib-otdi_705071

10. Сағдуллаев А. Бағрикенгликнинг тарихий илдизлари (қадимги давр мисолида). – Тошкент, 2017.

11. Худойбердиева Д. Наврўз оддий эмас, халқаро байрам... 2009 йилда ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий мерос рўйхатига киритилган / <https://www.xabar.uz/jamiyat/navroz-oddiy-emas-xalqaro-bayram>

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамияти қўмитаси хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини ривожлантириш бўлимининг жорий архиви

13. Faridun M. Yusufjonov Navruz and Tajikistan's Global Cultural Diplomacy / <https://thediplomaticinsight.com/navruz-and-tajikistans-global-cultural-diplomacy>